O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 19 август, № 163 (4573) Сешанба

*Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир*

# «НИҲОЛ» СОВРИНДОРЛАРИ

## 8 мингдан зиёд иштирокчидан сараланди



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларимизнинг истеъдоди ва қобилиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий санъатимизни янада ривож топтиришда ёшлар иштирокини таъминлашга юксак эътибор қаратиб келинмоқда. Зеро, ёш авлоднинг маданий савиясини юксалтириш, истеъдод соҳибларини муносиб рағбатлантириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа санъатига қизиқишини ошириш мақсадида таъсис этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ниҳол" мукофоти бу борада алоҳида нуфузга эгадир.

(Давоми 4-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

*Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарини ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш мақсадида жойларда турли учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда.*

## Жонли мулоқотлар ва самимий суҳбатлар

Бухоро вилоятида ҳам маърифий тадбирлар бўйича ижодий гуруҳлар фаол иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Низомий номидаги педагогика университети, Тошкент ислом университети ҳамда вилоятдаги олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, маънавият тарғиботчилари ва ижтимоий фанлар мутахассисларини бирлаштирган ушбу гуруҳларнинг жойларда аҳоли билан учрашувларида мазкур китобнинг аҳамияти, унда илгари сурилган эзгу ғоялар ҳақида сўз бормоқда.

(Давоми 2-бетда).

*«Жондор-Мегатекстиль» корхонаси ёрлиғи билан чиқарилаётган бўз ва момиқ сочиқ маҳсулотларининг деярли 70 фоизи Россияга экспорт қилинмоқда.*

## Асосий маҳсулот — хорижга

Жондор туманидаги мазкур масъулияти чекланган жамиятда бир йилда 800 минг погон-метр бўз, 500 минг донадан зиёд сочиқ ишлаб чиқариш имконияти бор. Хориждан келтирилган замонавий дастгоҳларни Навработ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи етмиш нафардан кўпроқ ёшлар бошқаради. Яқин истиқболда матога гул босиш, чит ишлаб чиқариш технологиясини ҳам жорий этиш режалаштирилган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Истиқлол байрами арафасида «Хоразмқурилиш» қурувчилар жамоаси Урганч давлат университети қошида 4-академик лицей биносини қуриб фойдаланишга топширди.*

## Байрам туҳфаси

810 ўқувчига мўлжалланган, барча қулайликларга эга замонавий лицей қурилишига 2 млрд. 327 млн. 291 минг сўм маблағ сарфланди.

Янги ўқув кошонасида ёшлар навбатдаги ўқув йилини «Истиқлол дарслари» билан бошлайдилар.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Андижон вилоятида аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган талаб ва эҳтиёжи ҳисобга олиниб, Дастур ишлаб чиқилган эди.*

## Хонадонлар қувончи

Унга кўра Андижон, Асака, Марҳамат, Улуғнор, Жалақудуқ ҳамда Бўз туманларида ичимлик суви таъминотининг қўшимча имкониятлари вужудга келтирилди. 20 дан ортиқ қудуқлар кавланиб, 35,3 километр масофага қувур ётқизилди. Хонадонларига зилол сув кириб борганидан ҳамма хурсанд.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Фарғона-Телеком» — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси таркибидаги йирик филиаллардан бири.*

## Дунё билан алоқа

Филиалнинг 19 та шаҳар ва туман боғламалари таркибидаги 32 та АТСда 158 минг рақамли телефонлар фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирда фарғоналик алоқачилар бу тармоқда ўз виртуал веб-сайтларига эга бўлдилар. Халқаро каналларга ер йўлдоши ҳамда оптик толалар орқали уланилади. Бу эса қисқа вақт ичида дунёнинг исталган мамлакатлари билан боғланиш имконини беради.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАНУБИЙ ОСЕТИЯ УЧУН ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимиз ҳукуматига Жанубий Осетиядаги ҳарбий можаро оқибатида жабрланган аҳолига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун 250 минг АҚШ доллари ажратишни топширди.

Турли қурилиш материаллари, жумладан, цемент, шунингдек, озиқ-овқат, дори-дармон, кўрпа-тўшак ҳамда энг зарур товарлардан иборат инсонпарварлик юкини етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигига топширилди.

(ЎзА).

# АВГУСТ ОЙИ — ПАХТАДАН ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

*Бунга эришиш учун фермерга нималар керак? Аввало, серҳосил, эртапишар, пишиқ тола берадиган ғўза нави зарур. Бизнинг бу борада ташвишимиз йўқ. «Наманган — 77» нави тупроқ ва иқлим шароитимизга жуда мос экан. Қолаверса, шохлаб кетиб, ерга ётиб қолмайди. Толаси эса саноатнинг барча талабларига тўлиқ жавоб беради.*

## ҒЎЗА КУН САНАЙДИ

Кейин эса, албатта, сув, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари талаб этилади. Буларнинг ҳаммаси эндиликда дала бошига етказиб берилмоқда. Ғамхўрлик дегани шунчалик бўлар-да.

Демак, биз бу ғамхўрликка жавобан «Зарбдор 30 кунлик»да ҳар қачонгидан кўпроқ тер тўксак, бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшиб, сидқидилдан меҳнат қилсак, пайкалларда мўлжалдагидан кўпроқ ҳосил етиштиришга эришамиз. Буни сувчию механизатор, хўжалигимизнинг барча аъзолари қалбан ҳис этиб, ғўзага меҳрини бағишлаган ҳолда, тунда жўякларга «шарбат» суви тарамоқда, ер етилиши билан культивацияни сифатли ўтказиб, қатор ораларида шамол кезишини таъминламоқда, зараркунанда ва ҳашаротларнинг тарқалишининг олдини олмоқда. Натижада тўқ кўсаклар сони тобора кўпаймоқда, уларнинг айримлари эса очилмоқда.

Яқинда мутахассислар билан бирга ҳосил ғозини чамалаб кўриб, ғўза парваришини шу ой охиригача сусайтирмасликка қарор қилдик. Чунки ўтган йили пахтадан 28 миллион сўм даромад олган бўлсак, жорий йилда ҳосилдорликни гектар ҳисобига 40 центнерга етказиб, ана шу кўрсаткични 2 баравар оширмоқчимиз. Бу муддаонинг ушалиши учун, табиийки, мавжуд кўсакларга яна 5-6 тадан қўшиш зарур. Ҳозир шу мақсадда ишни уюшқоқлик билан олиб бораяпмиз. Насиб этса, ҳар йилгидек бу йил ҳам элу юрт олдида юзимиз ёруғ бўлади.

**Холматжон МАТМУСАЕВ,**
**Риштон туманидаги «Достон» фермер хўжалиги раҳбари.**

*Мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро молия корпорацияси раҳбари Ларс Тунелл бошчилигидаги делегация 18 август куни "Ўзбек лизинг интернэшнл АЖ" халқаро лизинг компанияси бош директори Зафар Мустафоев билан учрашди.*

# ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Мулоқот чоғида мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётнинг барча тармоқларини, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Иқтисодиётни тараққий эттириш, экспорт салоҳиятини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда лизинг хизматининг аҳамияти катта. Бунда халқаро молия ташкилотлари билан ўрнатилаётган ҳамкорлик муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Учрашувда меҳмонлар юртимизда лизинг тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва қўлланилаётган янгиликлар, ривожланиш босқичлари билан яқиндан танишдилар.

Халқаро молия корпорацияси ривожланаётган мамлакатларда молиявий институтларни қўллаб-қувватлаш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам кўрсатади. Ўзбекистон лизинг секторини такомиллаштириш борасида мазкур муассаса билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётир.

(Давоми 2-бетда).

# ЭНДИ НАВБАТ — ОЛТИНГА!

Beijing 2008

*Пекинда давом этаётган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари қизғин паллага кирди.*

*Ўзбекистон терма жамоаси захирасига иккинчи медални дзюдочи полвонимиз Абдулла Тангирев (+100 кг) туҳфа этди. 1981 йили Бойсуннинг Тиллакамар қишлоғида туғилган Абдулла Ўзбекистоннинг энг совриндор спорчиларидан ҳисобланади. У дзюдо бўйича Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати совриндори бўлган. Бундан ташқари, миллий спортимиз кураш бўйича ҳам жаҳон чемпионати шоҳсупасидан жой олган. Энди унинг совринлари қаторига дзюдо бўйича Олимпиада ўйинлари кумуш медали ҳам қўшилди.*



У ярим финалгача бўлган йўлда германиялик жаҳон кубоги соҳиби Андрес Толзер, польшалик Януш Войнарович ва франциялик жаҳон чемпиони Тедди Риннерларни мағлубиятга учратди. Ярим финалда эса Куба мамлакати полвони Оскар Брайсонни енгди.

— Президентимиз Пекиндаги Олимпиада шаҳарчасида биз билан учрашиб, барчамизни ғалаба сари руҳлантирган эди, — дейди Абдулла телефон орқали берган интервьюсида.— Мен ҳар бир рақибимга қарши майдонга тушганимда ана шу далдани кучли ҳис этиб турдим. Олимпиада ўйинларида эришган ютуғимни Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишлайман. Эндиги навбат — олтин медалга.

Абдулланинг муваффақияти ўзи туғилиб ўсган Сурхондарё вилоятида ҳам катта тантана билан кутиб олинди. Айниқса, Тиллакамар қишлоғи аҳлининг қувончи чексиз. Ахир уларнинг қишлоғидан Олимпиада ўйинлари совриндори чиқди-да. Биз ҳам фурсатдан фойдаланиб, Абдулла Тангриев хонадони билан телефон орқали боғланиб, ғалаба билан табрикладик.

(Давоми 4-бетда).



## ЕКАТЕРИНА ХИЛЬКО — БРОНЗА МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

*Газетамиз саҳифаланаётганда Пекин шаҳридан яна бир хушхабар олдик.*

Трамполиндан сакраш баҳсларида ҳамюртимиз, жаҳон кубоги ва Осиё ўйинлари совриндори Екатерина Хилько 36,90 балл тўплаб, Олимпиада ўйинларининг бронза медалини қўлга киритди.

Шундай қилиб, ўзбекистонлик спортчилар ҳисобидаги медаллар сони учтага етди.

# БОҚИЙ ВА БАРҲАЁТ АНЪАНА

*Мамлакатимизда 16-17 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтди. Унда ўн беш миллион нафар ҳашарчи иштирок этди.*

Халқимизнинг асрлар давомида шаклланган, инсоният тафаккури тараққиётида бемисл ўрин тутадиган урф-одат ва қадриятлари кўп. Ҳашар ана шундай боқий ва барҳаёт анъаналаримиздандир.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида бундай умрбоқий қадриятларимизга қайта ҳаёт бахш этилиши баробарида, улар янгича маъно ва мазмун билан ҳам бойитилмоқда. Юртимизда табаррук Наврўзи олам ва энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик куни арафасида ўтказилаётган ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва озодалик ойликлари, ушбу тадбирлар доирасида ташкил этилаётган умумхалқ хайрия ҳашарлари бунга мисол бўла олади.

Истиқлолимизнинг 17 йиллиги арафасида бундай тадбирлар янада кенг қулоч ёймоқда. Айёмимизни обод маҳаллада, ораста хонадон ва кўчаларда, сўлим ва озода хиёбонларда кутиб олиш мақсадида юртимизда ободонлаштириш ва озодалик ойлиги тадбирлари давом этмоқда.

Ҳашардан кўзланган мақсад «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, халқимизга хос бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлилик, саховат ва меҳр-оқибат каби эзгу фазилатларни янада юксалтириш, республикамиздаги санитария-эпидемиология ҳолатини янада яхшилаш ва умумхалқ байрамига қизғин ҳозирлик кўришдир.

Ҳашарни ташкил этиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш бўйича иш олиб борган Республика ишчи гуруҳидан маълум қилишларича, икки кунлик ҳашарда қарийб 15 миллион нафар ватандошимиз иштирок этган. Уларнинг ярмидан кўпини навқирон авлод вакиллари ташкил этгани йигит-қизларнинг жамиятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаоллиги тобора ошиб бораётганидан далолатдир.

Умумхалқ хайрия ҳашари Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида кўтаринки руҳ, юксак ташкилий савияда ўтди. Ҳашарчиларимиз саъй-ҳаракати билан йигирма икки минг гектардан зиёд майдон ободонлаштирилди. Минглаб тонна чиқинди ташиб кетилиб, ариқ-

(Давоми 2-бетда).

Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси олдидан

*Истиқлол йилларида давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилди. Зотан, янги бир тизимга — бозор иқтисодиётига ўтишда одамларнинг моддий фаровонлигини таъминлаш, аввало, кўмакка эҳтиёжманд қатлам — ногиронлар, кексалар, кам таъминланган оилалар, она ва бола мунтазам давлат назоратида, ғамхўрлиги остида бўлди. Шу билан бирга, аҳолини меҳнат билан банд этиш, янги иш ўринларини яратиш ҳукумат олдига қўйилган муҳим вазифалар замирида мужассамлашди. Энг кам иш ҳақи фондининг изчиллик билан оширилаётгани, жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг жорий этилиши — барчаси айнан аҳолини ижтимоий муҳофазалашда давлатимизнинг ўзига хос ёндашуви, йўли эканлигидан далолат. Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ҳам моҳиятан мана шу ишларнинг узвий давоми, тўлдирувчиси дейиш мумкин. "Халқ сўзи" мухбири ушбу Қонун юзасидан Сенатнинг Фан, таълим, мадаі іят ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Ҳамротош ШОДИЕВА билан суҳбатлашди.*

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ КАФОЛАТИ

— «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган, — дейди сенатор. — Парламентимиз қуйи палатаси томонидан қабул қилинган Қонун кўриб чиқиш учун Сенатга 2008 йил 4 июлда келиб тушган.

Аввало, ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишга бир қатор объектив омиллар турткі берганлигини айтишимиз даркор. Негаки, шу кунгача бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий ижтимоий суғурталаш тартиб-таомилларини аниқловчи бирон бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, асослар йўқ эди. Шу билан бирга, амалдаги меҳнат қонунчилигида иш берувчилар ишлаб чиқаришда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни, шунингдек, ходимнинг саломатлигига таъсир қилган зиён учун қўшимча харажатларни қоплаши назарда тутилган. Бироқ амалиётда бошқача вазият кўп кузатилади. Хусусан, кўп ҳолатларда молиявий муаммолар сабаб иш берувчилар ишлаб чиқаришда юз берган бахтсиз ҳодиса ва касалликлари оқибатида ходимларга етказилган зарарни ўз вақтида тўлай олмаяптилар.

Шу маънода, Қонуннинг асосий мақсади ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан зарар кўрган ишловчи фуқаролар учун ҳуқуқ ва кафолатларни, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш вазифалари ва механизмларини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйишга қаратилгандир.

**— Қонун қандай ўзига хосликларга эга? У иш берувчи ва ишчилар учун қанақа имкониятлар беради?**

— «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўн саккиз моддадан иборат бўлиб, ходимнинг фаолияти давомида йўқотилган соғлиғи ва меҳнат қобилиятини мажбурий ижтимоий суғурта бўйича таъминот турларини тақдим қилиш орқали тиклашни назарда тутади. Шунингдек, фаолиятдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш туфайли ходим кўрган зиённи суғурта тўлови тўлаш йўли билан қоплашни ҳам кўзда тутади.

Чунончи, Қонуннинг 4-моддасида мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг вазифалари белгилаб қўйилган бўлиб, улар сирасига, хусусан, фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан суғурта товони тўланишини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолатини ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ишловчи фуқароларнинг соғлиғини сақлаш кабилар киради. Мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси (суғурталовчи), меҳнат шартномаси асосида ишлаётган жисмоний шахс (суғурталанган шахс) ва жисмоний шахсни меҳнат шартномаси бўйича ишга ёллаган юридик ёки жисмоний шахс (суғурта қилдирувчи) тарафлар деб қаралади. Ушбу Қонуннинг 5-моддасида суғурталанган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 6-моддасида суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, 7-моддасида суғурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён этилган.

Мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш учун маблағлар суғурталовчи томонидан суғурта қилдирувчиларнинг суғурта бадаллари, суғурталовчи ундирадиган жарима ва пенялар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобидан шакллантирилади.

Қонунга мувофиқ, суғурта ҳодисасининг юз бериши суғурталовчида дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа (10-модда), ногиронлик пенсияси (11-модда) ва боқувчисини йўқотганлик пенсияси (12-модда) тарзидаги суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келади. Бунда суғурта товонини туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари тўлайди.

«Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мутлақо янги ҳужжат. Шу маънода уни дастлабки тарзда кўриб чиқиш, қолаверса, бу борада мавжуд тажрибаларни янада чуқурроқ ўрганиш, унинг халқимиз фаровонлиги йўлидаги аҳамиятини аниқлаш учун қўмитамиз томонидан ишчи гуруҳ тузилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия, Молия, Иқтисодиёт, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликлари, шунингдек, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти вакиллари Қонуннинг мамлакатимиз Конституциясига, қонунчилик техникаси қоидаларига мослигини эътироф этишди.

**— Ҳамротош Нормуродовна, Қонун кучга киргач, мажбурий давлат ижтимоий суғуртасига молиявий харажатлар қандай ташкил этилади?**

— Бу саволингизга юқорида қисман жавоб бергандик. Муфассалроқ айтсак, бу суғурта тури Давлат бюджетидан қўшимча харажатларни назарда тутмайди. Ҳозирги ҳисоб-китобларимизга кўра, мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг умумий молиявий харажатлари йилига ўртача 398,7 миллиард сўмни ташкил этади. Шуларнинг 347,2 миллиарди давлат суғуртаси ҳисобидан, 51,5 миллиарди эса иш берувчилар маблағлари ҳисобидан шакллантирилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур Қонун ишлаётган фуқароларга давлат томонидан кафолатларни таъминлайди. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан жабрланганлар моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланади, энг муҳими, бу учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилади, ижтимоий суғурта тизими янада ривожланади.

**Қ. ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

# БОҚИЙ ВА БАРҲАЁТ АНЪАНА

(Давоми. Боши 1-бетда).

зовур, лоток ва бошқа сув йўллари тозаланди. Кўплаб зиёратгоҳлар, қабристонлар, боғлар, хиёбонлар тозаланди. Минглаб ҳашарчилар ўз иш жойларида меҳнат қилди. Кўпгина юртдошларимиз мамлакатимизда барпо этилаётган иншоотлар, ёш оилалар учун мўлжалланган уй-жойлар қурилишида мутахассислар ва бунёдкор ёшларга яқиндан кўмак берди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ободонлаштириш ойлиги ва умумхалқ ҳашарини ташкил этиш ва ўтказишда фаоллик кўрсатган маҳалла, кўча ва кўп қаватли уйлар жамоаларининг хайрли ишларини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида жамоатчилик иштирокини янада кучайтириш мақсадида «Энг обод маҳалла», «Энг озода кўча» ва «Энг саришта уй» танловини эълон қилди. Мазкур тадбир ғолиблари Истиқлол байрами арафасида аниқланади ва тақдирланади.

Ҳашар кунлари, одатдагидек, кекса ва ногиронларга, боқувчисини йўқотган ёлғиз кишилар ва кам таъминланган оилаларга уй-жой шароитини яхшилаш ва моддий кўмак кўрсатиш билан боғлиқ кенг кўламли вазифалар ҳам бажарилди. Бу борада меҳр-мурувват ва ўзгалар кўмагига муҳтожлар ҳамда эҳтиёжманд оилаларга 427 миллион сўмлик хайрия ёрдами кўрсатилди.

Ҳашар кунлари ишлаб топилган бир кунлик иш ҳақи Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги бўлимлари ҳисобрақамига ўтказилади. Бу маблағ аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламига, шу жумладан, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, ногирон ҳамда ёлғиз кексаларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ва ногирон ёшларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, «Ёшлар йили» Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ ишларга сарфланади.

**Баҳор ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Жонли мулоқотлар ва самимий суҳбатлар

(Давоми. Боши 1-бетда).

Август ойининг биринчи ярмида вилоят маънавият тарғибот марказида асарни ўрганиш бўйича ташкилий-услубий семинар ташкил этилди. Бухоро давлат университетида илмий конференция, вилоят марказида ва Когон шаҳрида "Ўзбек ўғли ўзлигингни унутма", "Ўз уйингни ўзинг асра" мавзуида тадбирлар, "Энг ибратли маънавият хонаси" танлови, "Йилнинг энг фаол маънавият фидойиси" кўрик-танлови, Ғиждувон туманида "Мақсад бир, ғоя бир, Ватан ягона" мавзуида амалий анжуман ўтказилди. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида "Ўзбекистон Республикаси 17 йилда" мавзуида китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ана шундай маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Уларда сўзга чиққанлар Президентимизнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асари аҳолининг маънавият ҳақидаги тасаввур ва тушунчаларини бойитишда, буюк аждодларимиз, тарихимиз, миллий қадриятларимиздан фахрланиш ҳиссини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар.

Китобда қайд этилганидек, маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият ва давлатнинг буюк бойлиги ва куч-қудрат манбаидир. Шу маънода, мазкур асар халқимизнинг юксак маънавияти, миллий менталитетимиз холисона акс эттирилган қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Вилоятдаги ахборот-ресурс марказларида Президентимиз Ислом Каримов асарини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган кўргазмалар, туман ва шаҳар жамоатчилик вакиллари иштирокида ўқув-семинарлар ташкил этиш, китобда баён қилинган хулосалар, долзарб муаммолар ҳақида аҳолининг кенг қатламлари билан жонли мулоқотлар, самимий суҳбатлар ва китобхонлик кечалари ўтказиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

**(ЎзА).**

# ОЛИЙ ТАЪЛИМГА ЮКСАК ЭЪТИБОР

*Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда миллий-маънавий қадриятларни улуғлашга, таълим-тарбияга устувор вазифа сифатида қаралаётганлиги бежиз эмас. Истиқлолимизнинг қутлуғ 17 йилида биргина таълимга оид кўплаб янгиликларни санаб ўтиш мумкин. Яқиндагина буларнинг ёнига яна бир тарихий ҳужжат қўшилди. Бу Президентимизнинг 2008 йил 24 июлдаги «Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридир.*

Қарорга мувофиқ, Олий таълим тизимида ишлаётган профессор-ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошлари такомиллаштирилган тарзда амалга оширилади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу қарор ҳам бундан олдин қабул қилинган бир қатор Президент фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари сингари узоқни кўзлайдиган устувор вазифаларни босқичма-босқич, узлуксиз тарзда татбиқ этишнинг амалдаги кўринишидир. Устозлари, ўқитувчилари улуғланган халқнинг истиқболи порлоқ, келажакка бўлган ишончларининг мустаҳкам бўлишига шубҳа йўқ.

## Дил сўзи

Ушбу қарор билан танишиб, республикамиз профессор-ўқитувчилари кўрсатилаётган ғамхўрликдан беҳад мамнун бўлишганини таъкидлаш жоиз. Айни пайтда, бу ғамхўрликка нисбатан уларнинг қалбларида амалий иш билан жавоб бериш туйғуларининг жўш ураётганлигини ҳам айтиш ўринлидир.

Маълумки, бўлажак ёш мутахассислар ўз соҳаларининг муносиб билимдонлари бўлиб етишишлари баробарида юксак инсоний фазилатлар эгаси, мурувватли, сабр-бардошли, меҳнатсевар, инсонпарвар, эркин ва ижодий фикрлай оладиган, бировнинг ғамига шерикчиликнинг уддасидан чиқадиган, юртнинг равнақи учун қайғурадиган баркамол инсон бўлиб шаклланишларида олий таълим муассасалари ўқитувчиларининг муносиб ҳиссалари бор.

Олий таълимда ҳозиргача жаҳон андозалари даражасидаги мутахассис кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги яхши маълум. Талабалар орасида Президент стипендиясига номзодларнинг ортиб бораётганлиги бежиз эмас. Шунингдек, ёшлар орасида ўқитувчиликка, педагогика соҳасига қизиқишнинг ортиб бораётганлиги сезилади. Биргина 2008-2009 ўқув йили қабулида Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига йигирма мингдан ортиқ абитуриентдан ариза тушган. Бунинг сабаби нимада? Сабаби, мамлакатимизда таълим соҳасига, ўқитувчилик касбига жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Буни ёшларимиз кўриб турибди.

Бугун таълимга ёндашув тубдан ўзгармоқда. Билим-малака олишда ёшларнинг мустақиллигини оширишга катта эътибор берилаяпти. Хитой халқининг бир ажойиб мақоли бор. Унга кўра, қорни оч одамга битта балиқ тутиб берсанг, унинг қорни бир марта тўяди, агар унга балиқ ушлаш йўлини ўргатиб қўйсанг, унинг қорни бир умр тўқ бўлади. Демак, ёшларга, бўлажак мутахассисларга ўз соҳасининг ҳамма билимларини беришни эмас, балки шу тизимдаги зарурий билимларни эгаллаш йўлларини кўрсатиш, бунинг учун энг янги педагогик ҳамда замонавий технологияларни, улардан фойдаланиш йўлларини ўргатиш тақозо этилади.

Олий таълим тизими олдида мавжуд салоҳиятдан унумли фойдаланиш, айни пайтда, уни ёшартириш муаммоси ҳам турибди. Бунинг учун ёш, иқтидорли кадрларнинг тезроқ ўз имкониятларини намойиш этишлари учун тегишли шарт-шароитларни яратиш, уларга амалий ёрдам бериш устозлар зиммасидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолади.

Юсуф Хос Ҳожиб таъкидлайдики, ғаввос денгизнинг тубига тушиб, унинг қаъридаги дуру жавоҳирларни олиб чиқади, натижада у алоҳида қадр ва қиммат топади. Худди шунга ўхшаш устозлар, доно ва билимдон кишилар ҳам ўз билганларини бошқаларга етказиш, уларнинг қалб тўридан жой олишга ҳаракат қилмоқлари керак. Борди-ю, донолар бу ҳаракатни қилмасалар, уларнинг нодон ва жоҳил одамлардан фарқлари қолмайди. Демак, олимлар бошқаларга ўз тажриба ва билимларини муносиб тарзда билдирмоқлари жоиздир. Фидойи устозларга юксак эътибор қаратилаётган экан, улар соҳа ривожи йўлида ихлос ва қунт билан фаолият кўрсатаверишлари шубҳасиздир.

**Боқижон ТЎХЛИЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги ТДПУ ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш методикаси кафедрасининг мудири.**



# КОРХОНАНИНГ КЎРКАМ ЛИБОСЛАРИ

Китоб шаҳридаги "Линда" хусусий тикувчилик фирмаси дастлаб олти нафар ишчи билан фаолиятини бошлаган бўлса, эндиликда унинг ўттиздан ортиқ ходими бор. Бундай ютуқлар замирида, аввало, истиқлол йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка яратилган шароиту имконият ва албатта, ҳалол меҳнат ётибди. Зеро, тадбиркор Фотима Сатторова раҳбарлик қилаётган ушбу фирма бугун ўз фаолият кўламини янада кенгайтириб, жойлардаги хотин-қизларни доимий иш билан таъминламоқда, сифатли кийим-кечаклари билан эл оғзига тушаяпти.

## Интилиш

— Яқинда туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан касбга ўқитилган яна йигирма беш нафар қизни ишга қабул қилдик, — дейди Фотима опа. — Ҳозирча 19 та машинамиз бор. Корхонани кенгайтириш мақсадида 120 квадрат метрли фойдаланилмаётган бинони сотиб, таъмирлаш ишларини амалга ошираяпмиз. Шунингдек, бошқа манбаларни ҳам жалб этиш тараддудидамиз. Бунинг учун имкониятлар етарли.

**СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа.

**Шомурод ШАРОПОВ**
**(ЎзА) олган сурат.**

# ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз йил сайин ривожланиб бораётганидан мамнунмиз, — деди Ларс Тунелл. — Юртингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, лизинг тизимини такомиллаштириш борасида катта ютуқларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик. Ўзбекистон – улкан иқтисодий салоҳиятга эга мамлакат. Бу ерда тадбиркорларнинг фаол ва муваффақиятли иш юритиши учун барча шарт-шароит ва қулайликлар яратилгани диққатга сазовор. Келгусида йирик қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш орқали ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Учрашув якунида "Ўзбек лизинг интернэшнл АЖ" халқаро лизинг компанияси билан Халқаро молия корпорацияси ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга молиявий ёрдам кўрсатиш учун уч миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратишни назарда тутади.

Делегация аъзолари қатор вазирлик ва идораларда ҳам музокаралар ўтказди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Сўнгги пайтларда турли учрашувлар ва анжуманларда, кўпгина оммавий ахборот воситалари саҳифаларида Марказий Осиё мамлакатлари ва Қозоғистоннинг манфаатларига бевосита дахлдор бўлган энергия ва сув ресурслари билан боғлиқ равишда туғилаётган жиддий муаммолар қизғин муҳокама қилинмоқда. Шунингдек, мазкур муаммонинг сабаблари ва оқибатлари ҳамда ушбу вазиятдан чиқиш имкониятлари атрофлича таҳлил этилмоқда.*

# ТЎХТАҒУЛ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Бугун бундай вазиятни юзага келтирган сабаблар тўғрисида гапириш учун асослар етарли. Жумладан, минтақада тез-тез такрорланиб турган сув танқислиги, обиҳаёт ресурсларидан тежамкорлик ва оқилона фойдаланиш, яна бошқа қатор ҳолатлар шундай сабаблардан бўлиб, уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида тўхталиб, жиддий фикр юритишга арзийдиган масалалардир.

Шу билан бирга, вужудга келган вазият ҳамда минтақада сув ресурслари тақчиллигининг ўсиб ва сув ҳажмининг йил сайин қисқариб бораётганлиги сабабли, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш ҳақида гапирар эканмиз, назаримизда, бундай шароитда Сирдарёнинг юқори қисмида, ҳали совет беш йилликлари давридаёқ, аникроғи, қурилиши 1968 йилда бошланиб, 1987 йилнинг охирида фойдаланишга топширилган Тўхтағул гидроиншооти тўғони диққат-эътиборни ўзига алоҳида тортади.

Тўхтағул гидроузели умумий ҳажми 19,5 млрд. куб метрли сув омборини, шунингдек, умумий қуввати 1200 МВТ дан иборат 4 та агрегатдан таркиб топган ГЭСни ўз ичига олади. Норин-Сирдарёнинг бутун бир йиллик сув оқими Тўхтағул сув омборига келиб тушади ва унинг лойиҳа ҳажмининг 70 фоизини ташкил этади, холос. Бу сув ҳажми эса, 1974-2007 йилларда олиб борилган кузатишларга кўра, ўртача 12,3 миллиард куб метрни ташкил этади.

Соддароқ қилиб айтганимизда, бутун Норин-Сирдарёдаги сув оқими ва бир неча мамлакат ҳудудларидан оқиб ўтадиган Сирдарё суви, амалда, дастлаб Тўхтағул гидроузели орқали ўтади, янада аникроқ қилиб айтадиган бўлсак, бу дарё оқими йўлидаги (яъни Тожикистон, Ўзбекистон, Қозоғистондаги) сувдан фойдаланувчилар учун сув ҳажми, муддати ва тартиби Қирғизистон томонидан тўла-тўкис назорат остига олинган. Бунинг устига, Тўхтағулдан чиқадиган сувни Қирғизистон томони ирригация ҳамда энергетика соҳасидаги ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда назорат қилмоқда. Бунинг оқибатида, минтақадаги барча мамлакатлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари айнан вегетация (ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиш) даврида экинларни суғориш учун зарур сувнинг ўта танқислигига дуч келмоқдалар. Айнан вегетация даврида эса, яъни ҳар йилнинг апрель-сентябрь ойларида, минтақадаги миллионлаб аҳоли учун ҳосил тақдири ҳал бўлади.

1974 йилдан, яъни Тўхтағул сув омборига илк бор сув олиниб, ундан вақтинча фойдаланишга киришилган пайтдан бошлаб, ушбу гидроузелда сув ресурсларидан фойдаланишнинг таҳлили қуйидагилардан далолат беради: 1991 йилгача Тўхтағул гидроузелидан ўртача кўп йиллик сув ўтказиш — новегетация даврида (октябрь-март ойларида) деярли 3150 млн. куб метрни ташкил этган бўлса, вегетация даврида (яъни апрель-сентябрь ойларида) 8520 млн. куб метрни ташкил этган, ёз пайтида қиш фаслидагига нисбатан 2,7 марта кўпроқ сув ўтказилган.

1991 йилдан бошлаб, яъни гидроузелдан фойдаланиш ҳуқуқи Қирғизистон Республикаси назорати остига ўтгач, кузги-қишки ойларда, яъни қишлоқ хўжа-

## Сув — ҳаёт манбаи

лиги экинларини суғориш учун айнан сув керак бўлмаган даврда Тўхтағул гидроузелидан сув ўтказиш ҳажми йилдан-йилга кўпайтириб борилмоқда. Аникроқ қилиб айтсак, 1991-2000 йилларда бу даврда сув ўтказиш ҳажми ўрта ҳисобда 7400 млн. куб метргача кўпайтирилди. 2008 йилгача бўлган давр ичида эса бу кўрсаткич 8750 млн. куб метргача етди.

Ёзги, вегетация даврида эса, аксинча ҳолат рўй бераяпти. Яъни 2001-2007 йилларда Тўхтағулдан ёз ойларида сув ўтказилиши ҳажми 5300 млн. куб метргача камайтириб юборилди. Шундай қилиб, манзара тамоман тескари тус олди. Тўхтағул гидроузелида тўла-тўкис энергетика режимига ўтилди.

Бу эса минтақада ниҳоятда кўнгилсиз оқибатларга олиб келмоқда. Тўхтағулдан қишки ва эрта баҳорги ойларда сувнинг катта оқими қўйиб юборилиши натижасида минтақада экологик танглик вужудга келмоқда, кўпгина экин ерлари ва аҳоли истиқомат қилаётган жойлар сув остида қолаяпти, кучли сув оқими тўғонларни бузиб, туражойларни таг-туги билан ювиб кетмоқда. Жуда катта экин ерлари ботқоқликка учрамоқда ва шўр босмоқда.

Энергетика режимига ўтилганидан кейин кузги-қишки ойларида сувнинг бемеъёр кўп ўтказилиши оқибатида Норин дарёсидаги табиий сув оқими 2,4-2,6 баравар кўпайиб кетмоқдаки, бу дарё атрофидаги ерлардаги вазиятни ниҳоятда кескинлаштирмоқда.

Айниқса, 2007-2008 йилларнинг қиш ойларида ҳаддан зиёд сув қўйиб юборилди, сув омборидан чиқарилган сув миқдори 5 миллиард куб метрдан оширилди, натижада Тўхтағулдаги сув сатҳи кескин пасайиб кетди.

Агар сув омборининг ўртача кўп йиллик сув ҳажми 1 сентябрга келиб, деярли 15 миллиард куб метрга етган ва бу миқдордаги сув омбори лойиҳа ҳажмининг 80 фоизини ташкил этган бўлса, 2008 йилнинг 1 сентябрига бориб мазкур сув омборидаги сув 9,6 миллиард куб метргача камаяди, яъни сув омбори лойиҳа қувватининг 49 фоизи ҳажмида сув сақланади. Шу билан бирга, ушбу сув омборидаги сувнинг «ўлик ҳажми» 5,5 миллиард куб метрни ташкил этади.

Агар бундай бирёқлама сув сиёсатига халқаро қонунчилик нуқтаи назаридан баҳо бериладиган бўлса, айтиш мумкинки, халқаро экспертлар бу ҳолатни мамлакатлараро сув оқимларидан фойдаланишда халқаро меъёрларнинг жиддий бузилиши сифатида талқин этадилар. Хусусан, Қирғизистон томонидан Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси (1969 й), Марказий Осиё давлатларининг Нукус (1995 й.) ва Алмати (1997 й.) декларациялари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон Республикалари ўртасида 1992 йилда имзоланган «Сув ресурслари давлатлараро манбаларини асраб-авайлаш, улардан фойдаланиш ва биргаликда бошқариш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида»ги Битим, шунингдек, БМТнинг тегишли конвенциялари, жумладан, халқаро дарёларнинг сувларидан фойдаланиш қоидалари (Хельсинки, 1966 й.), мамлакатлараро сув йўллари ва халқаро кўлларни асраб-авайлаш ва улардан фойдаланиш бўйича Конвенция (Хельсинки, 1992 й.) ҳамда кемалар қатнамайдиган халқаро сув йўлларидан фойдаланиш ҳуқуқига доир Конвенция (Нью-Йорк, 1997 й.)ларнинг қоидалари бузилмоқда.

Айтиш керакки, Тўхтағул сув омборининг ҳозирги ирригация ҳолатини тартибга келтириш учун камида 6 йил муддат талаб қилинади. Аммо, шунга қарамасдан, Қирғизистон томонидан сув жамғариладиган навбатдаги янги сув омборлари қурилишига киришилаётганлиги Сирдарё ўзанидаги бошқа давлатлар аҳволини янада мураккаблаштиради, холос.

Сув ва энергия таъминоти соҳасида минтақадаги мавжуд вазиятни чуқур ва холисона таҳлил этиш асосида туғилган хулосалар бундай аҳволни бартараф этиш учун шошилинч чора-тадбирлар кўрилишини ва биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ талабларига қатъий амал қилишни, БМТнинг мамлакатлараро сув манбаларидан фойдаланиш бўйича тегишли Конвенциялари талаблари бажарилишини, шунингдек, минтақадаги давлатлар ўртасида мавжуд халқаро битимларга қатъий амал қилинишини жиддий тақозо этади.

**«Экосан» жамғармаси эколог-экспертлари гуруҳи.**

# «НИҲОЛ» СОВРИНДОРЛАРИ

## 8 мингдан зиёд иштирокчидан сараланди



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мана, саккиз йилдирки, мазкур мукофотга истеъдодли, мусиқа санъатига меҳри ва ихлоси баланд ёшларимиз сазовор бўлиб келишаётир. Бугун улар орасидан 12 нафар истеъдод эгаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлганлигининг ўзиёқ, рағбат ва ғамхўрликнинг нечоғли ижобий самара бераётганлигини кўрсатиб турибди.

Қувонарлиси, "Ниҳол" мукофоти учун ўтказиладиган танловда иштирок этиш истагини билдираётганлар сони йилдан-йилга ортиб боряпти. Шу маънода жорий йилги танловда 8 минг нафардан зиёд иштирокчи ўз истеъдодини синовдан ўтказди. Кўрикнинг вилоятлар босқичида 89 нафар номзод саралаш жараёнидан ўтиб, якуний босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритган бўлса, танловнинг республика босқичидаги қизғин беллашувларда 30 киши ўз истеъдодини намоён этди. Шулар орасидан энг иқтидорли 15 нафар номзод "Ниҳол" мукофотига муносиб деб топилди.

Шу муносабат билан "Истиқлол" санъат саройида "Ниҳол" мукофоти лауреатларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Бу йил ушбу мукофотга мусиқа ижрочилиги, эстрада санъати, мумтоз қўшиқ, опера ҳамда рақс санъати йўналишлари бўйича мамлакатимизнинг турли ҳудудлари ва пойтахтдаги истеъдодли ёшлар сазовор бўлишди. Хусусан, Гулмира Абдулаҳатова, Илёс Арабов, Шавкат Эргашев, Азамат Муҳаммаджонов, Беҳзод Абдураимов, Бунёд Саидов, Саида Саидбекова, Сирожиддин Файзиев, Муҳаббат Меҳмонова, Раъно Авазова, Саъдулла Бадалов, Ойбек Алимов ва Нигора Исмоилова дуэти, Дилноза Шерматова, Рашид Хўжанов, Зиёда Қобиловаларга "Ниҳол" мукофоти топширилди.

— Ушбу нуфузли мукофот билан тақдирланганлигимни ўзимга билдирилган юксак ишонч рамзи деб биламан, — дейди андижонлик Гулмира Абдулаҳатова. — Бунга муносиб бўлмоқликка, келгусида мумтоз санъатимиз намуналарини жаҳон миқёсида танитишга ўз ҳиссамни қўшиш учун астойдил интиламан. Юртбошимизнинг бундай ғамхўрлиги ва эътибори мени янада руҳлантирди, юксак марралар сари интилишимда мадад бўлди.

— Ёшларимиз эришаётган ютуқ ва муваффақиятлар, шубҳасиз, беминнат ғамхўрлик, меҳр ва эътибор самарасидир, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Зулайҳо Бойхонова. — Бугун ушбу нуфузли мукофотга сазовор бўлган истеъдодли йигит-қизларимизнинг юз-кўзларига боқиб, кўнгилда ажиб бир кўтаринкилик, эртанги кунга ишонч ҳиссини туяди, киши. Зеро, ёшларга эътибор давлатимизнинг устувор сиёсати даражасига кўтарилганлиги ва бугун бу ўз мевасини бераётгани барчамизга аён ҳақиқатдир.

Тантанали тадбирда "Ниҳол" мукофотига сазовор бўлган ёшлар ва санъат усталари ижросида катта концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Қосимов иштирок этди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

# ЭНДИ НАВБАТ — ОЛТИНГА!

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Абдулла тоғаси Ғойим полвонга тортди, — дейди онаси Иқлим опа. — Ғойим полвон жаҳлни, асабийлашувни билмаган, ўзини ушлаб олган, кўнгли тоза одам эди. Даврани айлангандами, ғайратидан оёғининг бармоқлари ерга ботиб кетаверар эди. Ўғлимнинг ғалабаси кўксимни тоғдек кўтарди. Ишонаманки, ҳали Абдулла бундан-да йирик ғалабалари билан Ўзбекистон довруғини юксакларга кўтаради.

Абдулла ёшлигида барча серғайрат ўсмиру йигитлар мисол ўйинқароқ эди. Меҳнату изланишларда чиниқиб, мулоҳазали-фикрли йигитга айланди. Унинг муваффақиятларида кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказиладиган анъанавий Ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирининг ҳам алоҳида ўрни бор. Айнан курашда олган сабоқлари, дзюдони ўзлаштиришда қўл келди. Дзюдо бўйича Сидней ва Афина Олимпиадаларида юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Албатта, Абдулланинг



бугунги ютуғи Олимпиада ўйинларида қатнашаётган бошқа спортчиларимизни ҳам руҳлантириб юборган бўлса, ажабмас.

Энди Пекин Олимпиадасининг ўнинчи кунида юртдошларимизнинг иштирокига тўхталамиз. 18 август куни ўзбекистонлик спортчилар енгил атлетика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, трамполин бўйича баҳсларда ўз омадларини синовдан ўтказдилар. Шу куни байдарка ва каноэда эшкак эшиш мусобақасида Осиё ўйинлари совриндори Вадим Меньков энг яхши кўрсаткичга эришди. У "С-1" қайиғида 1000 метрга сузиш беллашувида 3.56.793 натижа билан ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллади ва финал босқичига йўл олди. 110 метрга тўсиқлар оша югуриш беллашувида Олег Норматов, 200 метрга югуриш мусобақаларида Олег Журавлев юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

# СОВРИН БЕГОНА БЎЛМАДИ

***Бухоро шаҳридаги «Дилкушо» спорт мажмуасида теннис бўйича халқаро «Челленжер» турнири бўлиб ўтди.***

Мукофот жамғармаси 35 минг АҚШ долларига тенг бўлган бу галги беллашувларда ҳамюртларимиз қаторида Россия, Бразилия, Украина каби жами 19 та мамлакатдан келган ракеткачилар кортга чиқдилар. Жуфтлик баҳсларида омад россиялик Павел Чехов ва Михаил Елгинга кулиб боқди. Улар финалда Польша-Австрия жуфтлиги — Лукаш Кубот ва Оливер Марач қаршилигини енгишди. Яккалик баҳсларида эса мамлакатимиз вакили Денис Истомин шиддаткор ўйин намойиш этиб, бош совринни бегона қилмади. У ҳал қилувчи баҳсда Украина вакили Илья Марченко устидан 6:2, 6:4 ҳисобида ишончли ғалабага эришди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ миллий ўзликни англаш, бебаҳо қадриятларимиз ва бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш, улуғ аждодларимиз хотирасига эҳтиром ила муносабатда бўлишга катта эътибор қаратиб келинмоқда.***

# УЛУҒ ШОИРГА ЭҲТИРОМ

Юртбошимиз раҳнамолигида ўтган йиллар мобайнида улуғ аллома ва мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бебаҳо ижодий мероси чуқур ўрганилди, тадқиқ қилинди. Жорий йилда ҳазрат Бобур таваллудининг 525 йиллиги юртимизда кенг нишонланганлиги ҳам фикримиз тасдиғидир.

Бобур бор-йўғи 47 йил умр кўрган бўлса-да, у улуғ зотнинг номи абадиятга мангу муҳрланди. Шоирнинг бири-биридан нафис ва пурмаъно ғазаллари, жаҳон адабиёти хазинасининг дурдона асарларидан бири ҳисобланмиш "Бобурнома" ва яна қанчадан-қанча ноёб битикларини бугун жаҳон аҳли катта қизиқиш билан ўрганаётганлиги, халқаро миқёсда Бобур ижодига дахлдор қатор илмий экспедициялар амалга оширилаётганлиги бизнинг чинакам маънода фахримиз, ифтихоримиздир. Бинобарин, юртимизда ҳам қатор ўқув даргоҳлари, маданий-маърифий масканлар, кўча ва хиёбонлар шоир номи билан аталмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Бобур ҳазратлари Истиқлол шарофати билан ўз она юртида юксак шараф ва эҳтиромга сазовор бўлганлигининг ёрқин далилидир.

Андижон шаҳридаги буюк шоир номи билан аталувчи миллий боғда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 525 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуман ҳам аллома меросига чуқур эътиборнинг яна бир ифодасидир. Зеро, анжуманда Ҳамдўстлик мамлакатларидан ташриф буюрган нуфузли меҳмонлар, жаҳоннинг ўнга яқин мамлакатидан келган атоқли олимлар, маданият, фан ва санъат арбоблари, бобуршунос илмий

### ▼ Халқаро анжуман

ходимлар иштирок этдилар. Шунингдек, боғи Бобурда янги ташкил этилган музейда "Бобур ва бобурийларнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни" мавзуида халқаро конференция ўтказилди.

Халқаро анжуманда Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти С. Ғуломов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Парпиев, Бобур халқаро жамғармаси раиси З. Машрабов ва бошқалар сўзга чиқиб, Бобур ва бобурийлар сулоласининг миллий меросимиз ҳамда жаҳон цивилизациясида тутган ўрни ҳақида алоҳида тўхталдилар. Шунингдек, профессор Эйжи Мано (Япония), профессор Магди Салаҳ Махлуф (Миср), доктор Танжу Орал Сейҳан (Туркия), академик А.Қаюмов (Ўзбекистон), профессор Абдулборий Рашид (Афғонистон) ва бошқа олимлар ҳамда жамоат арбобларининг маърузалари тингланди. Анжуманда шоир ғазаллари билан айтилган мумтоз қўшиқлар янгради, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

Анжуманда Андижон вилояти ҳокими А.Усмонов иштирок этди.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АҚЧАКЎЛДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

## Қорақалпоғистон Республикасининг Элликқалъа туманида ёш ижодкорларнинг анъанавий "Ақчакўл илҳомлари" анжумани бўлиб ўтди.

"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур анжуманда таниқли ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган ёш истеъдод эгалари, ўқувчи ва талабалар иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси Б.Янгибоев анжуман иштирокчиларини самимий қутлади.

Тадбир қатнашчилари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобининг мазмун-моҳияти ҳақида ўзаро мулоқотлар ўтказишди, "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар. Зеро, ушбу адабиёт байрами ҳам ана шу эзгу мақсад йўлида хизмат қилади.

Истеъдодли, билимли ва зукко ёшларга қаратилаётган эътибор, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар Ватанимизнинг порлоқ истиқболи учун мустаҳкам замин яратади. Ёшларимизнинг адабиёт ва санъат соҳаларидаги қизиқиш ва интилишларини рағбатлантириш, янги истеъдодларни кашф этиш мақсадида таъсис этилган мукофотлар, ўтказилаётган турли кўрик-танловлар шулар жумласидандир.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, "Халқ сўзи" – "Народное слово" газеталари таҳририяти, Элликқалъа тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида бир неча йилдан бери ўтказиб келинаётган "Ақчакўл илҳомлари" анжумани ҳам ана шундай тадбирлар сирасига киради.

### ▼ 2008 йил – Ёшлар йили

Элликқалъа туманида бу йилги адабий анжуманга пухта тараддуд кўрилди. Энг улуғ, энг азиз байрам олдидан туманда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, ушбу тадбир ўтадиган хушманзара "Шоирлар хиёбони" яқинида қадимий обидаларнинг мўъжаз тимсолларини ўз ичига олган "Очиқ осмон остидаги музей" ташкил этилди.

— "Ақчакўл илҳомлари" ҳар гал бошқача руҳда, ўзгача кайфиятда ўтади, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов. – Бу гал ҳам Оролбўйининг қатор шаҳар ва туманлари, жумладан, Элликқалъада амалга оширилган улкан ўзгаришлар барчамизни ҳайратга солди. Бу масканнинг кун сайин гўзаллашиб бораётгани, янги барпо этилган хиёбон ва майдонлар, обод ва кўркам кўчалар, маданий-маиший иншоотлар кўзни қувонтиради. Айниқса, қадимий қалъаларнинг мўъжаз тимсоллари, кўҳна тарихимиз, буюк аждодларимиз мероси, бетакрор табиат манзаралари, замондошларимиз амалга ошираётган бугунги ўзгаришлар ёш қаламкашларимиз қалбида чексиз ғурур, фахру ифтихор туйғуларини уйғотади, уларга илҳом бахш этади.

Анжуманда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, шоирлар Энахон Сиддиқова, Хосият Рустамова, Қўчқор Норқобил, Рустам Мусурмон, Улмамбет Хўжаназаров, Бахтиёр Генжемурат ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида халқимизнинг маънавияти ва тафаккурини юксалтириш, ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, ўз куч ва имкониятларини намоён этиши учун яратилаётган шарт-шароитлар хусусида тўхталиб ўтдилар.

Шундан сўнг ёш ижодкорларнинг "Маҳорат сабоқлари" машғулотлари ўтказилди. Устоз шоирлар ёш қаламкашларнинг ижод намуналарини таҳлил этиб, уларга зарур маслаҳатлар бердилар. Қобилиятли, истеъдодли қаламкашларнинг назм, наср, таржима ва бошқа йўналишлардаги ижодий ишлари баҳолаб борилди.

Танлов натижаларига кўра, бош соврин хоразмлик ёш истеъдод соҳибаси Зумрад Машарипова насиб этди. Мезбонлардан Мадина Қутлимуратова ва Руслан Арзиев ҳамда хоразмлик Нилуфар Мадраимова биринчи ўринга муносиб топилди.

Иккинчи ўринга қорақалпоғистонлик Хурсандбек Каримов ва Инкор Аметова, хоразмлик Зебо Юсупова сазовор бўлди. Учинчи ўринни мезбонлар вакили Гавҳар Ҳабибназарова, Зебо Юсуфбоева ва Фотима Юсупова эгаллади.

— Бу йилги анжуман Ёшлар йилида ўтказилгани ҳам ўзига хос маъно касб этди, — дейди Хурсандбек Каримов. — Бу ерда ўтган дамлар барчамизнинг хотирамизда бир умр муҳрланиб қолади. Чунки ушбу анжуман шарофати билан устоз шоир ва ёзувчилар билан самимий мулоқотда бўлдик, уларнинг қимматли маслаҳат ва сабоқларини олдик.

«Ақчакўл илҳомлари» анжумани ғолибларига ҳомий ва ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари, Олий адабиёт курсига йўлланмалар топширилди.

Тадбир доирасида "Ўн еттинчи довоним маним" деб аталган мушоира бўлиб ўтди ҳамда санъат усталарининг концерт дастури намойиш этилди.

**А. ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**




u cell

G'alabang – o'z qo'lingda!

Kompaniyaning pullik xizmatlaridan yanada ko'proq foydalanib, UCell taqdim etayotgan qimmatli sovg'a va sovrinlarga ega bo'lish imkoniyatini qo'lga kirit !

**1 ta super yutuq** – uy kinoteatri.

**100 ta sovrin** – DVD- pleyerlar, 3G xizmatini qo'llab turuvchi mobil telefonlari, LCD- televizorlari, videokameralar, kommunikatorlar hamda noutbuklar.

Bundan tashqari aksiyaning faol ishtirokchilari uchun **55 000 ta sovg'a**.

Xizmatlar litsenziyaga ega
(Litsenziya AA №0002348, O'zAAA tomonidan berilgan)
Batafsil ma'lumotlarni sotuv joylaridan, www.ucell.uz saytidan va ushbu telefon raqamlari orqali olish mumkin: 8123 (faqat UCell abonentlari uchun), (+998 93) 180-0000, 181-0000, 182-0000
O'zbekiston Respublikasi hududida "UCell" xizmatlari "COSCOM" MChJ XK tomonidan taqdim etiladi.
Aksiya 01.08.2008 dan 31.08.2008 gacha davom etadi.

KO'PROQ SO'ZLASHIB, KO'PROQ IMKONIYATGA EGA BO'L!
YANADA KO'PROG'INI KUTING

1277Я/248

skywin

Skywin — эксклюзивный лицензионный партнер фирмы Schüco.
100031, г. Ташкент, ул. Афросиаб, 2, офис 14.
Тел./факс (+998 71) 140-04-24,
tashkent@skywin-gmbh.com www.skywin.uz

Зимний сад



Индивидуальные системы зимних садов фирмы Schüco:
- архитектура и дизайн из стекла и солнечного света;
- высококачественные долгослужащие материалы;
- оптимальная вентиляция и теплоизоляция.

Ваш поставщик оконных, дверных и фасадных систем.

SCHÜCO

Поставка продукции только под заказ.

1281Н/1205

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси М. А. Усмоновга волидаи муҳтарамаси

**ЎЛМАСХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Лицензия бериш ва нодавлат муассасалари томонидан кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг сифатини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи Фарҳод Илҳомовга волидаи муҳтарамаси

**Дилором ВАЛИЕВАнинг**

вафот этганлиги туфайли чуқур таъзия изҳор этади.

«Уздунробита» ХКси жамоаси департамент директори Бахтиёр Асқаровга отаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари доктори, профессор

**Асқар ЗУННУНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Архитектура қурилиш институти жамоаси институтнинг собиқ ректори Бахтиёр Асқаровга падари бузруквори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари доктори, профессор

**Асқар ЗУННУНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ҳамкорбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки кенгаши, бошқаруви ва жамоаси банкнинг фахрийси

**Йўлдошали Тожибоевич ТОЖИБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 26734 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.00 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6 8